*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

# Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан солинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нархларни бошқариш жамғармасига ўтказиладиган жарималарнинг 50 фоизи, шунингдек халқаро ташкилотларнинг, Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига хўжалик юритувчи субъектларга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қуйидаги қўпол равишда бузилишлари учун олдиндан ёзма кўрсатма бермасдан жарима солишига рухсат берилсин:

истеъмолчига товар (ишлар, хизматлар) қиймати кўрсатилган, товарнинг харид қилинганлигини ёки ишларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи касса, товар чеклари ва бошқа ҳужжатларни бермасдан товарлар сотиш ёки хизматлар кўрсатиш;

яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки яроқлилик муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиш ва сотиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Мононолиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги:

истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотларига товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини сертификатлаш ва экспертизадан ўтказиш натижалари тўғрисида ахборот олишда зарур ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, санитария соҳасидаги қонун ҳужжатлари, давлат стандартлари ва сертификатлаш қоидалари талабларига риоя этилишини текшириш ишларига истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари вакилларини жалб қилсинлар;

истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари тақдимномаларига кўра товарлар (ишлар, хизматлар)нинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ўзларига қарашли лабораторияларда уларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда синовдан ўтказсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш билан биргаликда 2003/2004 ўқув йилидан бошлаб белгиланган тартибда республиканинг барча таълим муассасалари дастурларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус курсларни киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

адвокатлик идораларининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятининг асосий йўналишларини амалга ошириш учун халқаро молия ташкилотларининг грантларини жалб этишда кўмаклашсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига уларнинг уставдаги вазифаларини ҳал этишда кўмаклашсинлар ҳамда Федерация марказий аппаратини, ҳудудий бирлашмаларни, туман ва шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларини бир ой муддатда:

ижара шартларида, ижара ҳақи ундирмасдан ва коммунал хизматларга имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўлаган ҳолда хоналар билан;

ўз маблағлари ҳисобига мебель ва зарур техника воситалари билан таъминласинлар.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзтелерадио" компанияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан биргаликда:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг туман, вилоят ва республика конференцияларини кенг ёритилишини таъминласинлар;

телевидение ва радиоканалларда, даврий матбуот нашрларида "Истеъмолчи" рукни ташкил этилишини таъминласинлар, унда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятини, бу соҳадаги муаммолар ва камчиликлар ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни, истеъмол маданиятини ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича анъаналарни кенг ва мунтазам ёритиб боришни назарда тутсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А.Бахромов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 28 ноябрь.

**ТАДБИРЛАР**

**Конституция ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолати сифатида инсониятга хизмат қилиб келмоқда. Яқинда Бош Қомусимиз бўлган Конституциямиз қабул қилинганига ҳам 10 йил тўлади. Шу муносабат билан жойларда Конституцияни ўрганишга бағишланган тадбирлар, кечалар, учрашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.**

# Конституциямизни ўрганамиз

Жумладан, Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида «Мевазор» ва Шотурсун Ғуломов маҳаллаларида «Конституция — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатидир» мавзуида қизиқарли давра суҳбати ўтказилди.

Унда сўзга чиққан туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Муаттар Содиқова Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ва унинг амалдаги ижроси ҳақида тўхталар экан, ҳозирги пайтда жамиятимизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш ва Конституциямизни ўрганиш давримизнинг муҳим талаби эканлигини яна бир бор таъкидлади.

Баҳс-мунозара тарзида ўтган давра суҳбатида Асосий Қонунимизни янада пухта ўрганиш юзасидан қилиниши керак бўлган вазифалар белгилаб олинди.

* * *

«Маънавият ва маърифат» марказининг Акмал Икромов тумани бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам бевосита Конституциямизни ўрганишга бағишланди.

Унда иштирок этган «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раҳбари Салоҳиддин Мирзаҳакимов Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг жамиятдаги ўрни ҳақида ёшларга тушунтириб ўтди.

Шунингдек тадбирда талабаларнинг ўзлари инсон ҳақ-ҳуқуқлари масалалари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, берган саволларига батафсил жавоблар олишди.

* * *

Миробод туман ҳокимлигида фаоллар иштирокида уюштирилган тадбир ҳам юқоридаги мавзуга бағишланди. Унда иштирок этганлар мамлакатимиз фуқароларининг яшаши, ижод қилиши учун кенг имкониятлар, эркинликлар берилган Конституциянинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр билдиришди. Тадбир қатнашчилари томонидан келажагимиз ворисларига Конституцияни янада чуқурроқ ўргатиш лозимлиги таъкидланиб, бу борада қилиниши керак бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**(Ўз мухбирларимиз)**

# Маънавият — ақл чироғи

**Юртбошимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга бағишланган маърузаларида маънавият, маърифат, ахлоқ-одоб масалаларининг ҳаётимизда тутган муҳим ўрни хусусида тўхталар эканлар «...Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат. Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак», дея алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.**

Акмал Икромов туман ҳокимлигида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида ҳам асосан маънавий қадриятларимизни тиклаш, кишиларимизнинг маънавий-маърифий билимларини ошириш, бир сўз билан айтганда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдек хайрли мақсадларни ўзида мужассам этган дастурнинг еттинчи устувор йўналиши бўлмиш инсон омили ва мезони, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, маънавий жиҳатдан баркамол кишиларгина демократия, фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш мумкинлигига асосий урғу берилди.

Йиғилишни олиб борган туман ҳокими, туман «Маънавият ва маърифат» кенгаши раиси Абулқосим Маҳмудов ана шу масалаларга батафсил тўхталиб, туманда бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилди. Тадбирда сўзга чиққан «Оқшом» газеталарининг бош муҳаррири газеталарнинг келаси йилга мўлжалланган режалари, янги рукнлари, унинг саҳифаларида маънавият ва маърифат масалаларига қаратилаётган эътибор тўғрисида маълумот берди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбир сўнггида йиғилганларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар қайтарилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ФУТБОЛ**

# «Пахтакор» – кейинги босқичда

**ЎТГАН КУНИ**

**Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида «Ал-аҳли» жамоаси билан Осиё чемпионлар лигаси баҳсларининг такрорий учрашувини ўтказган «Пахтакор» футболчиларига омад кулиб боқди.**

Дастлабки беллашувда 3:2 ҳисобида «Ал-Аҳли» жамоасини мағлуб эта олган тошкентликлар сафарда ҳам чиройли ўйин намойиш этиб 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Мезбонлар дарвозасига тўпни 75-дақиқада Миржалол Қосимов йўллади. Энди пойтахтнинг етакчи жамоаси Осиё чемпионлар лигаси баҳсларининг кейинги босқичида келаси йилнинг март ойида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Шунингдек, Осиё чемпионлар лигасида қатнашаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ҳам ўз майдонида Эроннинг «Истиқлол» клуби футболчилари билан иккинчи учрашувни ўтказди. Аммо меҳмонларни 2:1 ҳисобида енгган фарғоналик футболчилар икки ўйин натижаларига кўра кейинги босқич мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## 1 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚАРО ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

# Махсус дастур асосида

**Инсон саломатлигини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. «Соғлиқ — туман бойлик» дейди доно халқимиз. Ушбу мақолнинг нечоғлик тўғрилигига кўпчилик саломатлигидан айрилганларидан сўнггина амин бўладилар. Аммо бунда анча кеч бўлиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам инсон саломатлигига жиддий хавф солувчи гиёвандлик, ОИТС каби касалликларнинг бугунги кунда аср вабосига тенглаштирилиши бежиз эмас. Шунингдек, Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш кунининг алоҳида белгиланиши ҳам ушбу муаммонинг нечоғлик аҳамиятли эканлигини англатади. Шаҳар ОИТС маркази раҳбари Собир Усмонов билан суҳбатимиз ҳам айни шу ҳақда бўлди.**

— Сир эмаски, бугунги кунда ОИТС нафақат республикамизда, балки дунё миқёсида ҳам инсоният саломатлиги учун ниҳоятда хавфли касаллик ҳисобланади. Аниқланишича, ушбу касалликка дучор бўлганларнинг 81 фоизи гиёванд моддаларни асосан инъекцион йўл билан қабул қилган беморлардир. Айни пайтда марказимизда ушбу касаллик билан оғриган 850 та бемор рўйхатга олинган. Улардан 80 фоизини эркаклар, 20 фоизини аёллар ташкил қилади. Ачинарли жиҳати шундаки, уларнинг орасида ёшлар кўпчиликдир.

**— Ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича марказда қандай ишлар амалга оширилаяпти?**

— Республика миқёсида ОИТС профилактикаси бўйича стратегик дастур қабул қилинган. Шундан келиб чиққан ҳолда ОИТС касаллиги билан оғриган беморлар орасида профилактика ишларини йўлга қўйганмиз. Бу борада шаҳримизда жойлашган 12 та ишонч пунктлари билан фаолият юритамиз. Профилактик ишлардан мақсад рўйхатда турган беморларга маслаҳатлар бериш, уларга бир маротаба ишлатиладиган дорининалардан фойдаланиш кераклигини уқтиришдир. Бундан ташқари уларга махсус механик ғилофлар берилади. Буларнинг бари беморларнинг оиласига, ташқи муҳитга ушбу касалликнинг тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш бўйича қилинган амаллардир.

Ҳозирда Марказимизда 35-дан ортиқ тиббиёт ходимлари турли эпидемиологик, лаборатория, ташкилий, услубий бўлимларда фаолият кўрсатмоқда. Улар жойларда аноним ва конфиденциал текширувлар асосида беморларни аниқлаб, уларга ёрдам кўрсатмоқда.

**— Юқорида ОИТС касаллиги билан оғриган беморлар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил қилишини айтиб ўтдингиз. Марказда айни шу масалага эътибор қай даражада?**

— Бу борада мактаб, лицей, олий ўқув юртларида ёшларнинг ўзлари билан давра суҳбатлари ўтказмоқдамиз. Айни пайтда маҳаллаларда шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, шунингдек, Тошкент шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Кенгаши бўлимлари билан биргаликда ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, шаҳар Қизил Ярим Ой жамияти ҳамда «Камолот» ёшлар ҳаракатининг етакчилари билан биргаликда Сайилгоҳда ёшлар чиқишини ўтказишни ният қилганмиз. Албатта, бу ишларимиз ҳам ОИТСнинг олдини олишда яхши самара беради.

**Орзугул РУСТАМОВА**
**суҳбатлашди.**

**Маълумки, ОИТС/ВИЧ вируси билан хасталанган кишилар бир қатор ўзига хос руҳий-ижтимоий муаммоларга дуч келадилар. Улар кўпинча руҳан тушкун бўладилар, атроф-муҳитда инкор этиладилар, шу сабабдан ўзларининг хасталикларининг ошкор бўлишини истамайдилар. Шу тариқа ўзларини жамиятдан ажратиб қўядилар. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда ОИТС хасталигига чалинганларни парвариш қилувчи оила аъзолари, қариндошлари ва қадрдонлари улар билан муомала қилишда жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишлари жоиздир.**

# Лоқайд бўлманг

Ҳозирги кунда республикамизда 200 дан ортиқ ишонч пунктлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, унга ОИТС муаммосига дуч келган ҳар бир киши мурожаат қилиши мумкин. Мазкур ишонч пунктларидаги фаолият сирларни ошкор қилмаслик ва шахсни танитмасликка риоя қилишга асосланган халқаро тамойиллар бўйича амалга оширилмоқда.

Бугунда инфекция тарқалиши йўлидаги энг муҳим тўсиқ сифатида ВИЧ/ ОИТСнинг олдини олиш ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Ва бу борадаги ишларга катта аҳамият қаратилмоқда.

Шуни таъкидлаш кераккки, дорининалар орқали хасталикнинг юқиши касаллик энг кўп тарқаладиган йўналиш ҳисобланади. Яъни кейинги пайтларда ОИТС билан оғриган кишиларнинг асосий қисмини гиёвандлар ташкил этади. Шу боисдан ота-оналар, тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, журналистлар ёшлар билан гиёвандликнинг зарарли оқибатлари, соғлом турмуш тарзи юзасидан суҳбатлар, очиқ мулоқотлар олиб боришлари жоиздир.

Бундан ташқари, XXI аср вабосидан ўзини сақлаш йўлида энг мақбул воситалардан бири бўлмиш ОИТСнинг олдини олиш юзасидан билимларни ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Энг асосийси, ОИТСнинг жуда узоқда, юқиши қийин бўлган касаллик эмас, балки лоқайдлик, эътиборсизлик ва пала-партиш ҳаёт кечиришнинг «меваси» эканлигини тушуниб етишдир. Зеро, ҳар бир инсон ўз келажаги ва болаларининг камолини ўйлаган ҳолда қаттол вирусга қарши тура олиши керак.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ**

# Соғломлаштириш марказлари очилди

**Ёшларни жисмоний жиҳатдан етук, маънавий баркамол этиб тарбиялашда спортнинг ўз ўрни бор. Бугун ўзи билиб билмай яқинларининг эътиборсизлиги оқибатида жиноят йўлига кириб қолган болаларнинг вақтларини унумли ўтказишлари, қайта содир этилиши мумкин бўлган воқеаларнинг олдини олиш мақсадида Мирзо Улуғбек туманининг «Қорасув-1» ва Феруза номли маҳаллаларида соғломлаштириш марказлари ташкил этилди.**

Ушбу марказларда тарбияси оғир саналган болалардан 150 га яқини бириктирилиб, улар билан ички ишлар бўлими ходимлари махсус шуғулланмоқдалар. Шунингдек, бу ерга спортнинг турли соҳалари билан шуғулланишни истаган ёшлар ҳам аъзо бўлишлари мумкин.

Мазкур соғломлаштириш марказларининг ташкил этилишида туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими кенгаши, туман ИИБ ва «Маҳалла» жамғармаси ташаббус кўрсатишди.

— Мақсад келажагимиз ворисларининг ҳаётда ўз ўринларини топишларига имкон яратиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиб ватани учун фидойи фарзандлар қилиб тарбиялашдир, — дейишади марказ ташкилотчилари.

**Ҳилола ТОЖИЕВА**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар муниципал биржа марказида Тошкент шаҳар коммунал бошқармалари балансида бўлган муниципал мулк объектлари биржа савдолари орқали сотилмоқда.

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунида бўлиб ўтади.

Биржа савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: **Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварounнаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.**

| № т/р | Объект манзили | Фойдали майдони, кв.м. | Бошланғич нархи, сўм |
|---|---|---|---|
| 1 | Акмал Икромов тумани, Раҳимбобоев кўчаси, 4«Б»-уй | 381,2 | 8993286 |
| 2 | Акмал Икромов тумани, Раҳимбобоев кўчаси, 36-уй | 240 | 8053216 |
| 3 | Акмал Икромов тумани, Г-9 а-мавзе, 20-уй | 184 | 6868010 |
| 4 | Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 83-уй | 87 | 5974812 |
| 5 | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қаватидаги фойе қисми | 185 | 74000000 |
| 6 | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қаватидаги фойе | 185 | 74000000 |
| 7 | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қаватидаги фойе қисми | 185 | 74000000 |
| 8 | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қаватидаги фойе қисми | 185 | 74000000 |
| 9 | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қавати | 41 | 16402142 |
| 10 | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қавати | 39 | 15600991 |
| 11 | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қавати | 39 | 15602040 |
| 12 | «Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қавати | 38 | 15222882 |
| 13 | Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш даҳаси, 1/4 мавзе, 26 | 32 | 832573 |
| 14 | Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уй | 84 | 2939110 |

Тошкент электротехника алоқа институти томонидан 2000 йил 22 сентябрда Турсунов Хамидулла Ғайбуллаевич номига берилган № 42136 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти, Пскент туманидаги 22-мактаб томонидан 1993 йил 17 июнда Ҳамдамова Феруза номига берилган № 082902 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Ота-онаси бўлган вояга етмаган болаларга ҳам васий ёки ҳомий тайинланадими?**

**Ғ. Ҳотамов**

Боланинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлиб, васийлик ва ҳомийлик органлари унинг ота-она тарбиясида қолиши бола манфаатларига жавоб бермаслигини, шунингдек боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф борлигини аниқласа, унга васий ёки ҳомий тайинланади.

Ота-она васийлик ва ҳомийлик органларининг васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги қарори устидан судга шикоят қилишга ҳақли.

* * *

**Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва огоҳлантириш талонини алмаштириш қоидаларини тушунтириб берсангиз.**

**Э. Ризаев**

Фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва огоҳлантириш талонини алмаштириш учун имтиҳон варақаси, ўқиганлиги ҳақидаги гувоҳнома, поликлиникадан тиббий хулоса, ўз номингизда автомобиль бўлса ёки ишонч қоғози билан автомобилни бошқариб юрган бўлсангиз техник паспорт, давлат ташкилотларида ҳайдовчи бўлиб ишлаётган бўлсангиз ишлаётганлигингиз ҳақида маълумотнома ва меҳнат дафтаридан кўчирма, 2 дона 3,5х4,5 ҳажмли фотосурат, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва огоҳлантириш талони учун тўлов чиптаси, паспортингиз ва ариза талаб қилинади.

* * *

**Мен баъзи сабабларга кўра озодликдан маҳрум этилгандим. Опам нафақа пулимни олиб турганди. Озодликка чиққанимдан кейин нафақа пулимнинг 50 фоизи ушлаб қолинишини айтишди. Сабабини сўрасам, опам олиб турган нафақа пулимни мендан ундиришмоқчимиш. Шу тўғрими?**

**В. Ғофуров**

Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисидаги қонунининг 62-моддасига мувофиқ нафақахўр озодликдан маҳрум қилинган тақдирда тайинланган нафақани тўлаш озодликдан маҳрум қилинган давр учун тўхтатиб қўйилади. Ушбу қонуннинг 65-моддасига асосан, ортиқча тўланган нафақа пули бўйича қарздорлик (тўлиқ узилгунга қадар нафақа тўлаш тўхтатилган ҳолларда) суд тартибида ундирилади.

* * *

**Яқинда электр қувватининг юқори кучланиши оқибатида музлатгич ва телевизоримиз куйиб қолди. Тегишли жойга мурожаат қилсам, келиб текширишди ва кучланиш содир бўлмади, деб кетишди. Қандай қилиб зарарни қоплай олишим мумкин?**

**Б. Йўлдошев**

Сиз Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасига ёзма талабнома билан мурожаат қилишингиз мумкин. Жавоб келмаса судга мурожаат қилиб, содир бўлган ҳодисани текшириш учун экспертиза тайинланишини, жавобгар юридик шахс томонидан музлатгич ва телевизорингизни тузатиб беришини ёки унинг пулдаги қийматини беришини талаб қилишингиз мумкин.

* * *

**Давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлардан фойдаланиб тадбиркорлик билан шуғулланмоқдаман. Ишларим ёмон эмас, лекин айрим вақтларда нималарга асосий эътибор қаратилиши лозимлиги ҳақида ўйлаб қоламан. Шу тўғрида маслаҳат бера оласизми?**

**О. Каримов**

Маданиятли бўлишда ва ҳамиша муваффақият қозонишда қуйидагиларга амал қилинг:

— Юқори даражада маҳоратли тадбиркор зарарли нарсаларни фойдали томонга айлантиришга қодир эканлигини ёдда тутинг.

— Ваъдани ўз муддатида бажаринг. Агар бажара олмасангиз, ўзингизни оқламанг, янги муддат белгиланг ва кечикиб бўлса ҳам сўзингизнинг устидан чиқинг.

— «Фойдасиз» таклифларга нисбатан эътиборли ва холис бўлинг.

— Кераксиз таклифларни рад этинг, аммо назокат ва хушмуомалалик билан.

— Ўзингизга ишонган пайтингизда манмансирашдан қочинг. Манманлик — ишда ноmaтлуб усуллардан фойдаланишдаги дастлабки қадамдир.

— Тадбиркорни саросимага тушишдан бошқа ҳеч нарса бу қадар обрўсизлантирмаслигини ёдда тутинг.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

### Усти ялтироқ, ичи қалтироқ

Пойабзал харид қилиш баҳонасида шаҳримиздаги буюм бозорларидан бирида бўлдик. Бозор гавжум. Расталарда ранг-баранг маҳсулотлар. Уларга ҳавас билан тикилиб, беихтиёр баҳоси билан қизиқасиз. Кўзни қамаштираётган бу маҳсулотларнинг кўпчилиги маҳаллий хом ашёдан тайёрланган. Тижорат йўли билан чет эллардан келтирилганлари ҳам истаганча топилади.

Расталарга қатор қилиб териб қўйилган пойабзаллар нархини сўраб-суриштирамиз: 24 мингдан тортиб 35 минггача. Бироз қимматроқ бўлса-да, бежирим, пишиқ-пухта тикилган пойабзаллар. Лекин уларни ҳамён кўтармайди. Арзонлари эса бизга ёқинқирамади.

Бошимиз қотиб айланиб юрсак раста ниҳоясида савдо қилаётган аёллардан бири сўз қотди:

— Отахон, сизга нима керак ўзи?

Унга яқинлашиб истагимизни айтдик.

— Вой, сизбоп пойабзаллар бизда истаганча топилади-ку. Овора бўлиб, қаёқларни қидириб юрибсиз. Мана кўрингчи буларни.

Сотувчи таклиф қилган пойабзалларни бирма-бир кўздан кечирдик-да, биттасини маъқул топиб нархини сўрадик.

— Мана шуниси неча пул?

— Олинг, сизга арзон.

— Бўлишини айтинг-чи.

— Олдин кийиб кўринг, маъқул бўлса кейин келишамиз.

Пойабзал қуйиб қўйгандек оёғимизга лойиқ келди.

— Муборак бўлсин, ярашди, — деди сотувчи кулиб.

— Агар ҳамёнимиз кўтарса, шунисини оламиз.

— Сиз тўрт минг берақолинг.

Бунақа арзон нархни эшитиб шошиб қолдик. Кейин сотувчи ҳазиллашаётган бўлса керак деган хаёлга бориб қайта сўрадик. Бу сафар сотувчи яна 200 сўм арзонроқ баҳони айтди.

Хуллас, ялтироқ, бежирим, кўриниши бозордаги энг қимматбаҳо оёқ кийимлардан қолишмайдиган пойабзални 3800 сўмга харид қилдик.

Бозоримиз бароридан келганидан хурсанд бўлиб уйга қайтдик.

— Ҳа, отаси, тинчликми? — сўради кампирим кўтаринки кайфиятимни кўриб.

Унга дарҳол пойабзални кўз-кўз қилдим. Кампирим харидимга синчковлик билан тикилди-да, деди:

— Яхши-ку, лекин таги тез кўчиб кетади-да.

Унинг бу гапи ёқмай бир жеркиб берай дедим-у, тилимни тишладим.

Эртасига янги пойабзални кийиб, йўлга тушдим. Шу тариқа уни 5-6 кун кийиб юрдим. Орадан бир ҳафта ўтдими йўқми, кампирим пойабзални арта туриб:

— Вой, отаси, янги пойабзалингизнинг таги кўчиб кетибди-ку, — деб қолди. Ишонқирамай уни қўлимга олдим. Қарасам, таглиги 2-3 жойидан кўчиб ётибди. Қаранг, кампирим билиб айтгандек, олган пойабзалим усти ялтироқ бўлгани билан ичи қалтироқ экан. Арзоннинг шўрваси татимас экан деганлари шу бўлса керак-да.

### Бирида яхши, бирида...

Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб, 17-шаҳар касалхонасидан бироз юрилса Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳалла томон олиб борадиган кичик йўл бошланади. Яқинда шу йўл бошида каттагина савдо мажмуаси қуриб битказилди. Ҳали у тўла ишга тушмаган бўлса-да, мажмуанинг баъзи бўлимлари хусусан кийим тозалаш цехи аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Янгиликдан хабар топиб шу корхонада бўлдик.

— Хуш келибсиз, келинг, хизмат, — дея хушмуомалалик билан бизни кутиб олди кийим қабул қилувчи ходима.

У билан суҳбатлаша туриб, кўзимиз устига елим қоғоз кийдирилиб қатор илгичларга бартартиб қилиб осиб қўйилган кийимларга тушди.

— Улар сотиладиган маҳсулотларми? — сўраймиз ходимадан.

— Йўқ. Тозалаб эгасига қайтариш учун тайёрлаб қўйилган кийим-кечаклар. Бизда тартиб шунақа. Тозаланган кийимларни озода сақлаш учун устига елим қоғоз кийдириб қўямиз.

— Биз ҳам буюртма олиб келган эдик, — шундай дея халтачадан костюмимизни чиқариб ходиманинг олдига қўйдик. У костюмни кўздан кечира туриб деди:

— Марҳамат, кассага 1400 сўм тўласангиз, бас.

— Тунов куни марказдаги кийим тозалаш корхонаси битта костюм учун 2000 сўм сўровди. Сизларда тозалаш нархи арзонроқми?

— Йўқ, бизда ҳам шунақа. Лекин сиз каби кексалардан кийимларни 30 фоиз арзонроқ нархда қабул қиламиз.

Костюмни топшириб, хайр-хўшлашиб чиқдик. Эртасига айтилган муддатга мажмуага борсак, ходима костюмимизни илгичи билан қўлимизга топширди.

— Яхшилаб кўриб олинг, эътирозингиз бўлса, айтарсиз.

Кўрдик. Кийим дид билан тозаланган эди.

Раҳмат айтиб, костюмдан кийим илгични олиб бермоқчи бўлсак, ходима:

— Йўқ, шундоқ олиб кетаверасиз, — деди костюмни илгичи билан тутқазиб.

Шу дамда хаёлимиздан «Қани энди шаҳардаги барча маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида шундай тартиб ўрнатилган бўлса», деган фикр ўтди. Бунга сабаб яқинда шундай кийим тозалаш мажмуаларидан бирида ўзимиз билан бўлган оворагарчилик эди. У ердаги хизматчилар топширган буюмларимизни эртага тушдан кейин тайёр ҳолда олиб кетишимизни айтишди. Борсак турли баҳоналар билан эртага келинг, дея изимизга қайтаришди. Эртасига электр ўчиб қолгани баҳона бўлди. Индинига ҳам буюртмалар кўпайиб кетганини айтишди. Хуллас, уч кун овора бўлиб, ниҳоят тўртинчи куни буюмларимиз қўлимизга тегди. Лекин, афсуски, улар чала тозаланган эди.

Кайфиятимиз бузилиб уйимизга қайтдик.

### Троллейбусдаги воқеа

Ҳозирги ёшлар яхши-да. Ҳурматингни жойига қўйишади барака топкурлар. Уларнинг беминнат меҳр-оқибати, мурувватидан кўнглинг эриб кетади. Беихтиёр алқаш учун қўлингни дуога очасан. Лекин...

Тунов куни «Зенит» корхонаси ва «Эски Жўва» йўналиши бўйлаб қатновчи троллейбусда бир кўнгилсиз воқеага дуч келдим. Дам олиш куни бўлгани учунми, машинада ҳар қалай йўловчилар гавжум эди. Олдинги ўриндиқда бемалол жойлашиб олган 16-17 ёшлар чамасидаги ясантусан кўзойнакли қизча ҳеч кимга эътибор бермай қўлидаги газетадан нигоҳини узмасди. Олдинги эшикдан чиққан қариялар унинг беэътиборлигидан ранжиб, ўқтин-ўқтин қизчага тикилиб қўйишар, лекин ҳеч ким ботиниб унга сўз айтолмасди.

Кейинги бекатда болали аёл чиқди. Унинг қўлидаги боласи иссиқданми ёки бирон нарса истабми, ҳар қалай чирқираб йиғлар, аёл бечора қанча уринмасин уни овутолмасди. Одамлар безовта, бироқ ўриндиқдаги қизча пинагини бузмасди. Унинг орқасида ўтирган қўлтиқтаёқли киши болали аёлга жой бўшатмоқчи бўлди.

— Келинг, синглим, бу ёққа ўтира қолинг.

— Вой, ўтиринг, ўтираверинг. Келиб-келиб сизни безовта қиламанми, амаки. Қўйинг, биз тик кетаверамиз.

Бу ҳолатга чидаёлмадим. Кўзойнакли қизчага қарата айтдим:

— Болам, илтимос, мана шу аёлга жой берсангиз?

Қизча менга ғалати қараш қилди. Кейин:

— Дарҳол ҳимоячилар топила қолади-да бунақа пайтда. Кечирасиз, отахон, жой беролмайман. Оёғим ногирон.

Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Ногирон қизалоқни билиб-билмай ранжитганимдан безовталаниб, ундан кечирим сўрадим.

Хуллас, шу алпозда охирги бекатга етиб келдик. Ҳамма қатори ўриндиқдаги қизалоқ ҳам ўрнидан туриб олдинги эшик томон юрди. Воажаб, унинг юришида ҳеч қандай нуқсон кўринмасди. Таажжубланганимни сезиб, троллейбус ҳайдовчиси менга деди:

— Ҳайратланманг, отахон, у соппа-соғ, ҳеч қандай ногирон эмас. Мен уни танийман. Ҳар гал троллейбусга чиққанида ўриндиққа ўтириб олади-да, ҳеч кимга жой бўшатмайди. Бирон одам жой беришни илтимос қилса, ногиронман деб баҳона қилиб пинак бузмай ўтираверади.

Бу воқеадан кўнглим ғашланди. Ёшлар орасида ондасонда бўлса-да, шундайлар борлигидан афсусландим. Мана шунақа гуруч орасидаги курмаклар кўпчилик тенгқурлари шаънига доғ тушириб қўйишади-да.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

◆ Осонгина мўмай пул топишнинг турли қинғир йўлларидан бохабар бўлган Қизил Арват кўчасида яшовчи, муқаддам судланган М. Абдуваҳоб исмли шахс Чашма кўчаси, 20-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Р. Азимовга тегишли Фарғона йўли кўчаси, 15-уйда жойлашган «Азим» дўконининг темир панжарасини бузиб кириб, ичкаридан жами нархи 300000 сўмлик турли тамаки маҳсулотларини ўғирлаб кетган. Воқеа жойига етиб келган Ҳамза тумани ИИБ ходимлари шошилинч чора-тадбирлар кўришиб, ўғрини ушлашга эришдилар. Ҳозирда жиноятчи устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

◆ Миробод тумани, Сарикўл кўчасида жойлашган озиқ-овқат савдо дўконида ҳам ўғирлик жинояти содир этилганлиги тўғрисида милицияга хабар берилди. Воқеа жойида ҳозир бўлган тезкор гуруҳ вакиллари мазкур дўконнинг томини тешиш йўли билан ўз қинғир ниятларини амалга оширишни кўзлаган кимсаларни қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб, аввал ҳам турли ножўя ҳаракатлари туфайли қамалиб чиққан, Сарикўл кўчасида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган Б. Андрей ва унинг укаси шу манзилда истиқомат қилувчи Б. Евгенийлар қилмишлари учун қонун олдида тегишли жавоб берадилар.

◆ Афсуски, жамият равнақига раҳна солувчи фирибгарлик жиноятига қўл ураётганлар ҳамон учраб турибди. Яқинда Яккасарой тумани ИИБ ходимлари томонидан ана шундайлардан бирининг кирдикорлари фош этилди. Бировларнинг ишончини суиистеъмол қилиш эвазига мўмайгина пулга эга бўлиб олишни ўз олдига мақсад қилган Абдулла Қаҳҳор кўчасида яшовчи, бирон жойда ҳалол меҳнат қилишга одатланмаган Б. Семён чет элга ишга юборишда кўмаклашувини айтиб, Юнусобод тумани, 17-мавзе, 1-уйда истиқомат қилувчи фуқаро З. Асадуллинанинг 2600 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини олиб, ваъдаларининг устидан чиқмай, қочиб юрган. Аммо «қилмиш-қидирмиш» деганларидек, у ҳозирда ўз қалтис ҳаракатидан қаттиқ пушаймонда қолди.

◆ Юнусобод тумани, Кохота кўчасида яшовчи Я.Фотима исмли аёл ҳам ўзи ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга бўйин товламасада, лекин пул топишнинг «ноёб» йўлларини ахтарарди. У Мустақиллик майдонида Себзор-1 мавзеси, 18-уйда истиқомат қилувчи нафақахўр Ж. Нажмиддиновни турли-туман važ-карсонлар билан алдаб, албатта қайтариб беришини айтиб, 2500000 сўм пулларини фирибгарлик билан қўлга киритиб, қайтариб бермаган. Милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ушбу фирибгарнинг ҳам фаолиятига чек қўйилди.

◆ Юнусобод тумани, 14-мавзеда жойлашган «Рио» ошхонасига тановул қилиб, бироз дам олгани ташриф буюрган икки оғайнининг кўрсатган кароматлари жуда антиқа бўлди. Ғалабанинг 40 йиллиги мавзесида истиқомат қилувчи А. Ибраев ва Юнусобод тумани, 19-мавзеда яшовчи Р. Шахметов исмли бу йигитлар ушбу ошхонада жами нархи 45445 сўмлик турли таомлар ҳамда ичимликларни буюриб, истеъмол қиладилар-да, аммо ҳисоб-китоб вақтида эса пул ўрнига целлофан пакетга ўралган қоғозларни қолдириб кетаётганларида қўлга тушдилар. Бугунги кунда ушбу «уддабуронлар» қилмишларидан афсусланиб ўтирган бўлсалар ажаб эмас.

◆ Жамиятимизда кўпчилик каби ҳалол меҳнат ортидан яшаш ўрнига аксинча, хаёлларига келган турли эгри режалари орқали кун кечирадиган ноқобил кимсалар ҳам учраб туради. Айниқса уларнинг орасида аёлларнинг ҳам борлиги жуда ачинарли ҳолдир. Собир Раҳимов тумани ИИБ навбатчилик қисмига тушган хабарга кўра, 365-сонли болалар боғчаси ҳудудида, Тараққиёт кўчаси, 2-уйда истиқомат қилувчи Ф. Ботированинг нархи 30000 сўмда баҳоланадиган бир жуфт тилла зирагини алдаб, ечиб олиб қочиб кетган жиноятчилар ҳам айнан қизлар экан. Шундай қилиб, Қорақамиш-1 мавзесида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган С. Таджибоева ҳамда М. Султоновалар содир этган талончилик жинояти учун айбдор деб топилдилар.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.**

